

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси Республика
кенгаши

“Ўзагрокимёҳимоя”
акциядорлик жамияти

ҚУШМА ҚАРОРИ

2019 йил “31” января

№ 15-10 "С"

Тошкент ш.

2019 йил “26” декабрь

№ 25 4/2

Тошкент ш.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика
кенгаши ва “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти ўртасида ижтимоий-
иктисодий масалаларга оид 2019-2021 йиллар учун тузилган Тармоқ
келишуви тұғрисида

“Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти Ҳайъати ҳамда Ўзбекистон
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика
кенгаши ва “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти ўртасида ижтимоий-
иктисодий масалаларга оид 2019-2021 йиллар учун 2019 йил 18 февралда тузилган
Тармоқ келишуви маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти тасарруфидаги ташкилот ва
муассасалар ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг ҳудудлар
бўйича масъул ташкилотчилари, Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси, туман,
шаҳар кенгашларига:

- ушбу тармоқ келишувининг барча бандларини амал қилиш муддати давомида
бажарилишини жорий йилда амалга ошириш;

- ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномаларини тармоқ
келишувлари билан мувофиқлигини таъминлаш;

- ташкилот ва муассасаларнинг умумий йиғилишларида ходимларни ушбу
тармоқ келишуви билан танишириш;

- жойларда томонларнинг ҳамкорлигида ўқув семинарлари ва спорт тадбирлари
үтказилишини таъминлаш;

- “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти тизимидағи ташкилотларни
аъзоликка қабул қилишда Республика кенгаши билан ҳамкорлик қилиш;

- тармоқ келишуви ҳамда жамоа шартномалари ижросини таъминлаш
мақсадида тизимдаги бошлангич ташкилотларнинг масъулиятини янада ошириш
вазифалари топширилсин.

3. Тармоқ келишувининг 2019 йилда бажарилишини таъминлаш мақсадида “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти ва Республика кенгаши комиссиялари зиммасига:

- ташкилот ва муассасаларда тармоқ келишуви билан жамоа шартномаларининг мувофиқлигини, жамоа шартномаларнинг охирги тавсия қилинганд макетларга мослигини ҳамкорликда ўрганиш ва қатъий назоратга олиш;
- жамоа шартномаларининг экспертизаси сифатини ошириш юзасидан ҳамкорликда мониторинг ўрнатиш ва ушбу масалада маълумотлар алмашиш;
- ходимларни хуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўкув машгулотлари, давра сұхбатлари, тренинглар ташкил этиш;
- ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларни “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти ва Республика кенгаши Веб сайтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш юклатилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти бошқарув раиси ўринбосари Ш.Умиров ҳамда Республика кенгашининг Ижтимоий химоя масалалари бўйича бош мутахассиси З.Кулматовлар зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Агросаноат
мажмуи ходимлари касаба
уюшмаси Республика
кенгаши раиси в.в.б.
Т.Ш.Бозоров




“Ўзагрокимёҳимоя”
акциядорлик жамияти
бошқарув раиси
О.Б.Исаев



**Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика
кенгаши ҳамда “Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамияти ўртасида
ижтимоий-иктисодий масалаларга оид 2019-2021 йиллар учун
ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ**

I. Умумий қоидалар



1. “Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда Иш берувчи деб аталади) ва Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши (бундан буён матнда Республика кенгаши деб аталади) кейинги ўринларда “Томонлар” деб аталади. Ушбу Тармоқ келишуви Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг IV боби асосида тузилган. У “Ўзагрокимёхимоя” акциядорлик жамиятининг барқарор ишлашини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, тармоқ ходимларининг ижтимоий-иктисодий ва ҳукуқий кафолатларини белгилаб беради, шунингдек тизимдаги куйи ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари ва меҳнат жамоаларининг барча ходимлари ҳамда касаба уюшмаси қўмиталарига ҳам тадбиқ этилади. Мазкур Келишув иш берувчилар билан касаба уюшмаси қўмиталари ўртасида тузиладиган жамоа шартномалари учун асос бўлади.

2. Мазкур Тармоқ келишуви Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўгрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўгрисида”ги, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўгрисида”ги Конунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 марта «Иш хақи ўз вактида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги 88-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалаларга оид Бош келишув ва бошқа норматив-ҳукуқий хужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Томонлар қуидагиларни амалга оширишни ўз зиммаларига олади:

- меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида тизимили ҳамкорликни таъминлаш;

- тизимдаги барча ташкилотлар раҳбарлари, кадрлар бўлими мутахассислари, ҳукуқшунослар ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси раисларининг ҳукуқий саводхонлигини ошириш борасида меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларида ўкув-семинарлар ташкил қилиш, шунингдек, долзарб ижтимоий-иктисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмаси фаоллари ва вакиллари билан давра сухбатлари ташкил қилиш ҳамда ўкув семинарларига «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида тренинглар ва тушунтиришлар олиб бориш;

- тизимда “Ишонч” телефонлари тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан ходимлар билан қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш ишлари олиб бориш;

- тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари билан касаба уюшмаси қўмиталари ўртасида жамоа шартномалари тузилишида амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда жамоа

шартномаларига ходимларнинг касбий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг долзарб масалаларининг киритилишига эришиш ва бажарилишини назорат қилишни ўз зиммаларига оладилар.

3. Тизимда барча жамоа шартномаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 2 мартағи “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-аҳлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тұғрисида”ги 62-сонли қарорининг тегишли бандларини киритилишини таъминланади..

4. Жамоа шартномаларини тузиш пайтида ходимлар учун белгиланадиган ижтимоий кафолаттарни ушбу Келишувда белгиланганидан кам бұлмаслиги таъминланади.

5. Иш берувчининг барча таркибий тузилмаларыда илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиши учун шарт-шароит яратиш орали меъерий негизни ривожлантириш чоралари күрилади.

6. Иш берувчи бошланғич касаба уюшмаси фаолияти учун зарур шароитлар яратиш, янги ташкilotларда касаба уюшмаси ташкilotини тузишга күмаклашиш, турли тадбирларда иштирок этишга рухсат бериш ва бунда харажатларни иш берувчи маблағлари ҳисобидан қоллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Иш берувчи ва тизимдаги ташкilotлар раҳбарлари меҳнат меъёрларини ишлаб чиқишида ҳамда ходимларнинг манфаатларига тегишли меъерий хужжатларни қабул қилишда касаба уюшмалари органлари билан ўзаро келишадилар.

8. Томонлар тармоқ ходимларининг турмуш даражаси ва ижтимоий ҳимояланишини ошириш мақсадида мазкур Тармоқ келишуві мажбуриятларини тұлық амалга оширилишини таъминлаш учун мунтазам равишида чора-тадбирларни амалга ошириб боришга келишиб олдилар.

9. Халқаро Мехнат Ташкilotининг “Мехнаткашлар вакиллари тұғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигіда 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рұхатга олинган “Мехнат муҳофазаси бүйічі вакил ҳақида Низом”нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қуйидаги тоифалари мазкур келишув мақсадларыда Мехнаткашлар вакиллари деб эътироф этиладилар ва мазкур Келишувнинг 15 бандыда күрсатылған ҳимоя чораларидан фойдаланадилар:

- а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органлари аъзолари;
- б) меҳнатни муҳофаза қилиш бүйічі вакиллар;
- в) меҳнат низолари комиссиясининг аъзолари.

II. Мехнат шартномаси, бандлик кафолатлари

10. Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларининг ўкувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишидан бўш вақтида бажариши учун – улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

11. Мехнат жараёнида соглиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа заарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун Мехнат кодексининг 117-моддасига мувофиқ иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган кисқартирилган муддати белгиланади.

12. Иш берувчи томонидан тизимдаги корхона ва ташкилотларга иш топиш мақсадида келган олий ва ўрта маҳсус қасб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, Қуролли кучлар сафида муддатли хизматни ўтаб қайтганлар ва аҳолининг ижтимоий заиф катламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлашишида ҳар томонлама кўмаклашади.

13. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

14. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати корхоналарда тузиладиган жамоа шартномаларида аниқ белгиланади ва бу муддат бир йилда 60 кундан ошмаслиги керак.

15. Мехнат шартномасини Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш фақатгина касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Мехнат шартномасини бекор қилиш хуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ушбу масаладаги ёзма тақдимомаси Касаба уюшмаси қўмитасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11 сон қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимомасини кўриб чиқиши тартиби” асосида кўриб чиқилади.

16. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли хуқук Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси 103-моддасининг биринчи ва икkinичи қисмларида кўрсатилган ходимлар тоифаларига берилади.

Агар ходимлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси 103 - моддасининг биринчи ва икkinичи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик хуқуқига эга бўлмасалар у ҳолда пенсия ёшига яқинлашиб қолган (яъни пенсияга чиқишига 3 йил қолган) ва ногиронлиги бўлган ходимларни ишда қолдиришда афзалликлар берилади. Шунингдек ходимларга берилиши мумкин бўлган бошқа афзалликлар жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

17. Мехнат шартномаси бекор қилинганда Иш берувчи ходимнинг хоҳишига кўра йиллик асосий ва қўшимча таътилларини бериб ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилади.

18. Тармоқ ташкилотларида ходимларнинг рўйхатдаги сонидан камида 30 фоизигача бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларнинг оммавий равишида ишдан озод этилиши эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли касаба

уюшмаси органига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Иш берувчи, шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи микдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишидан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

19. Иш берувчи тизимдаги корхона ва ташкилотларда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиб, дастурда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни, кам таъминланган ва имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оиласларни ва ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш хамда уларни қўллаб-қувватлашни таъминлаб боради.

III. Иш вақти ва дам олиш вақти

20. Бир ҳафталик иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ортиқ бўлмаган ҳолда белгиланади. Ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал микдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий этилганда ҳисобга олинадиган давр бир йилдан, кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати эса ўн икки соатдан ортиб кетмаслиги таъминланади. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи микдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар корхоналарда тузиладиган жамоа шартномаларида белгиланади.

21. Иш берувчининг ўз тасарруфидаги корхоналарда меҳнат килаётган ходимлар учун дам олиш ва иш вақтларининг муддатлари ички меҳнат тартиб қоидаларида белгилаб қўйилади.

22. Иш берувчи ва унинг тасарруфидаги ташкилоиларида қуидаги ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга;
- I ва II гурух ногирони бўлган ходимларга;
- ноқулай меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимларга;
- алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимларга;
- уч ёшга тўлмаган болалари бор ишлаётган аёлларга.

Уларга бериладиган иш вақтини қисқартириш муддатлари иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади.

23. Ходимларни ишдан ташқари вақтларда ишга жалб қилиш, касаба уюшмаси кўмитаси ва ходимнинг розилиги билангина амалга оширилади. Шунингдек, иш вақти 12 соатдан иборат бўлган ишчилар, оғир ва заарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимлар ва 18 ёшга тўлмаган шахслар ишдан ташқари вақтларда ишга жалб қилинмайди.

24. Иш вақтидан ташқари вақтларда ишга жалб қилинган ҳар бир ходим учун, унинг йил давомида шундай ишларда ишлаган вақти 120 соатдан ортиқ бўлмаслиги таъминланади.

25. Барча ходимларга ҳар йили меҳнат таътили 15 иш кунидан кам бўлмаслиги белгиланади. Меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб

чиқаришнинг бошқа заарли омиллари таъсир этадиган ходимларга нокулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил берилади. Корхоналарда қўшимча таътил олиш хуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тизимдаги корхоналарнинг жамоа шартномаларида белгиланади.

26. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қўйдаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

- Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартдаги 153 -сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий аҳамиятли касалликлар рўйхатига асосан, ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар бўйича хисобда турган ходимларга;

- бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;
- ишлаётган пенсионерларга.

27. Йиллик меҳнат таътилларининг умумий давомийлиги (қўшимча таътиллар билан биргаликда) 48 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

28. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътилларнинг муддати икки ҳафтадан кўп бўлмаган даври ҳам йиллик асосий таътилни олиш хуқуқини берувчи меҳнат стажига қўшилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ходимнинг асосли сабаблари мавжуд бўлган ҳолларда унинг илтимосига кўра Иш берувчи тўлиқсиз иш куни белгилаб беради. Ушбу ҳолда Мехнат кодексининг 119-моддасига амал қилинади.

30. Ходимларга қўйидаги ҳолларда иш ҳақи сақланган таътиллар берилади:

- фарзанд туғилганида отага икки иш куни;
- оила қуриш муносабати билан уч иш куни;
- яқин қариндошларининг дафн маросимига уч иш куни.

Яқин қариндошлар деб ходимнинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, турмуш ўртоғи, фарзандлари, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари хисобланадилар.

31. Кўйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра ўн тўрт календар кунидан кам бўлмаган ҳолда иш ҳақи сақланмаган таътиллар берилади:

- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига;
- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга;
- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга.

Шунингдек, бетоб яқин қариндошларидан ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки фарзандларини парваришлаётган шахсларга, уларнинг илтимосига кўра Иш берувчи билан келишган муддатга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

32. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда ўқийдиганлар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун имтиёзлар бўйича шартларни тизимдаги корхона ва ташкилотларда тузиладиган жамоа шартномаларига киритилиши таъминланади.

IV. Мехнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш кафолатлари

27. Иш берувчи тизимдаги корхона ва ташкилотларда меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақини қонун хужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлишига йўл қўймайди. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми 50 фоиздан кам бўлмайди. Республикада энг кам иш ҳақи даражаси ўзгарган тақдирда тариф ставкалари ва лавозим маошларини ўз вақтида кўриб чиқади.

28. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилишини таъминлайди.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 март 88-сонли “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан, иш ҳақи тўловлари кечикирилгани учун корхоналар раҳбарлари жавобгардирлар.

30. Масъулиятини ошириш мақсадида, иш ҳақи тўловларини Иш берувчининг айби билан кечикирилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган сумманинг 0,01 фоизи миқдорида ходимларга пеня тўланади. Иш берувчига хизмат кўрсатувчи банкнинг айби билан иш ҳақи тўловлари кечикирилганда, Иш берувчи жавобгарликдан озод қилинади.

31. Таътил бошланмасдан охирги иш кунидан кечикмай таътил учун иш ҳақи тўланиши таъминланади.

32. Тунги, кечки, иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунлари ишлаган ходимларни қонунда кўрсатилган имтиёзлар билан таъминлайди. Дам олиш ва байрам кунларида бажариладиган иш учун ходимларга камида икки хисса ҳақ тўланади. Тизимдаги қўйи ташкилотларнинг шароитидан келиб чиқиб, қонунчиликда ўрнатилган меъёрдан ортиқча тўланиши мумкин бўлган компенсация миқдори уларда тузиладиган жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

33. Хизмат сафари давридаги харажатлар иш берувчи томонидан жамоа шартномаларида белгиланган миқдорда тўланади.

Меҳнат кодексининг 172-моддасида кўзда тутилган тартибда, ходим агарда иш берувчининг таклифига кўра бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда қуйидагилар тўланади:

- кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;
- янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

34. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча харажатлар қонун хужжатларига асосан корхоналарда тузиладиган жамоа шартномалари ҳамда меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда Иш берувчилар томонидан қопланади.

35. Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулқдан фойдаланганда иш берувчи ҳисобидан тўланади.

36. Ходимлар меҳнат соҳасида давлат ва жамият олдида алоҳида хизматлари учун давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин. Ходимларни аттестациядан

ўтказиш жараёнида, алоҳида хизматлари учун “Фахрий ёрлик” ва унвонларга, давлат мукофотларига тақдим қилинаётганда касаба уюшмаси органларининг тавсия ва кўрсатмаларини инобатга оладилар.

37. Жамоа шартномалари орқали кўп болали ва кам таъминланган оиласарга, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оиласарга, уруш ва меҳнат фахрийларига корхона ва ташкилотларнинг молиявий холатидан келиб чиқиб моддий ёрдам кўрсатиб бориш бўйича мақсадли бандлар киритилишини таъминлайди.

V. Мехнатни муҳофаза қилиш

35. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазири томонидан 1996 йил 29 июнда тасдиқланган Мехнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ ишларни ташкил этади.

36. Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конунининг 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазири томонидан 1996 йил 29 июнда тасдиқланган Мехнат муҳофазаси бўйича ўқишиларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида намунавий низом (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) асосида раҳбар ходимлар, мутахассислар ва ишчи-ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитади ва билимларини синовдан ўтказади.

37. Ходимлар сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган “Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этади.

39. Республика кенгаши билан ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларини олдини олиш бўйича кўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда унинг бажарилишини таъминлайди. Чора-тадбирларнинг бажарилишини ҳамкорликда ўрганишни ташкил этади.

40. Мехнат муҳофазаси хоналари, хавфсизлик техникаси бурчакларини жиҳозлаш ҳамда ўқиши ўтказиш бўйича техника-воситаларини, ўқув ва кўргазма куролларини, плакатларни сотиб олиб беришни ташкил қиласди.

41. Келгуси йил учун меҳнат муҳофазаси бўйича битим тайёрлаш борасида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказишни ва келаси йил январь ойининг 1-санасига қадар иш шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдирилиши юзасидан назорат олиб боради. Паспортда аниқланган камчиликларни санитария қоида ва меъёрлар талабига келтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиб, меҳнат муҳофазаси бўйича битимга киритилишини ҳамда битимда назарда тутилган

чора-тадбирларнинг бажарилиши учун маблағ ажратилишини таъминлайди.

42. Ташкилотларга барча янги ишга кираётган, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усууларини ҳамда баҳтсиз ходисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитишни ташкил этади.

43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ аттестациядан ўтказишни таъминлайди.

44. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 214-моддаси ва Соғлиқни саклаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сон буйруғи билан тасдиқланган Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) талабларига риоя қилган ҳолда ходимлар дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказилади, бунда ходим чиқимдор эмаслиги ҳакида эслатиб ўтилади.

45. Ташкилотларда ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисаларнинг ва ходимлар соғлиғига бошқача шикаст етказилишининг текширувдан ўтказилиши ҳамда ҳисобга олинишини ташкил этади.

46. Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлайди.

47. Иш берувчи нокулай меҳнат шароитлари, заарли ва хавфли ишларда ишловчи ходимларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминлайди (бундай касб ва ишлар турлари рўйхати жамоа шартномасига илова қилинади).

48. Меҳнат кодексининг 217-моддасига мувофиқ, меҳнат шароити нокулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалари бўйича сут ва шунга тенглаштирилган озик-овқат маҳсулотлари, даволаш профилактика озик-овқатлари, маҳсус кийим бош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари ва гигиена воситалари билан бепул таъминланади (бундай касб ва ишлар турлари рўйхати жамоа шартномасига илова қилинади).

49. Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 31-моддасига мувофиқ меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сайланиши, ўқитилиши, шароитлар яратиб берилиши ҳамда вакил этилган шахс зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вакт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. Шунингдек, Иш берувчи касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларини рағбатлантиради.

50. Иш берувчи ходимларни ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисалар ва касб касалликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июнданги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидалари талабларига мувофиқ ҳолда сугурта қилишни ташкил этади.

51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил

11 февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тўғрисида”ги 60-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ меҳнатда жабрланган ва боқувчисини йўқотган оиласарга бир йўла ва ойма-ой тўланадиган нафақаларни ҳамда бошқа тўловларни тўланишини таъминлайди.

52. Ташкилотларнинг тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан” ўтказиладиган республика кўрик-танловида иштирок этишини таъминлайди.

53. Норматив ҳужжатлар ва норматив-хуқукий ҳужжатлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия тузилади.

54. Касаба уюшмалари барча босқичларда меҳнат муҳофазасини, шунингдек Иш берувчилар бу борадаги ўз мажбуриятларини бажариши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади. Касаба уюшма ташкилотларининг меҳнат муҳофазаси борасида қабул қилган қарорлари Иш берувчилар томонидан бажарилиши таъминланади.

55. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа обьектларини хар йил октябрь ойининг 1-санасига қадар кузги-кишки мавсумга тайёрлаш чораларини кўради.

VI. Ижтимоий кафолат ва мажбуриятлар

56. 2019-2021 йилларда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан хар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қўйидаги тадбирларни корхоналар маблағлари ҳисобидан амалга ошириш кўзда тутилади:

а) кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оиласар фарзандларини ўқув куроллари, дарсликлар ва мактаб формалари билан бепул таъминлайди;

б) олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида таълим олаётган кам таъминланган оиласарнинг фарзандларини билим олиш учун тўланадиган контракт пулининг бир кисмини тўлаб беришни жамоа шартномаларида белгилайди;

в) ўз тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, жамоа шартномалари орқали ходимларга, нафақага чиққанларга, ногиронларга, кам таъминланган оила вакилларига, кўп болали оиласарга, боқувчисини йўқотган ёлғиз, кекса кишиларга моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

57. Корхоналар маблағлари ҳисобидан болалар оромгоҳларининг ёзги мавсумини талаб даражасида ўтказилишини таъминлаш, болалар оромгоҳлари йўлланмалари қийматларини 100 фоизигача қоплаш, 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор ходимларга эса – шунингдек санаторийлар, профилакторийлар йўлланмалари нархини 100 фоизигача қоплаш бўйича имтиёзларни корхона жамоа шартномаларида алоҳида белгилаб қўйилади.

VII. Маънавий-маърифий ва жисмоний тарбияни оммалаштириш ишлари ҳамда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш

58. Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун “Тарафлар” қуидагиларни ўз зиммасига оладилар:

а) “Маънавият ва маърифат” хонасини ташкил этиб, уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Республика Маънавият ва маърифат маркази тавсиялари асосида жихозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стенд ва техник воситалар билан таъминлашни;

б) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш, туризм ва соғломлаштиришни ташкил этиш чораларини кўриб боришни;

в) ҳар йили соғломлаштириш учун Иш берувчи томонидан ўтказилаётган маблағлар ҳисобидан кўп йиллар давомида тизимда фаолият юритган пенсиядаги ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга бепул йўлланмалар ажратиш шунингдек кам таъминланган ва кўп болали оила аъзолари ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларнинг мълум миқдорини касаба уюшмалари санаторийларида бепул соғломлаштиришни;

г) ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили “Наврӯз” ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида мақсадли тадбирларни ўтказишни;

д) ёз мавсумида болаларнинг болалар согломлаштириш оромгоҳларида дам олиш ва соғломлаштирилишини ташкил этишни;

е) Давлат дастурларини бажариш доирасида таникли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлаб чиқариш илгорларини жалб этган ҳолда меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида, турли мавзуларда мазмунли ва қизиқарли учрашувлар ташкил этиб боришни;

ё) бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонун хужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунтириш ҳар ойда 2 мартадан “Маънавият соатлари” ўтказиб бориш;

ж) Республика кенгаши билан ҳамкорликда тизимдаги барча ташкилотлар раҳбарлари, кадрлар бўлими мутахассислари, ҳукуқшунослар ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси раислари шунингдек олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларини битириб ишга янги келган ходимларнинг ҳуқукий саводхонлигини ошириш мақсадида меҳнат қонунчилигини бузилишларини олдини олиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат муҳофазаси масалаларида ўқув-семинарлар ташкил қилиш, ўқув семинарларида “Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари” мавзусида тренинглар ва тушунтишлар олиб бориш;

з) долзарб ижтимоий-иктисодий масала ва муаммоларни муҳокама қилиш учун Республика кенгаши мутахассислари ва Иш берувчининг вакиллари иштирокида давра сухбатлари ташкил этиб боришни;

и) тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг “Ишонч”, “Ишонч-Доверие” газеталарига обуна бўлишда касаба уюшмаларига қўмаклашишни;

й) жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланиш учун етарли шароитлар яратиб бериш, жумладан, ходимлар гимнастикасини ташкил этишни;

к) тизимдаги корхоналар балансида бўлган ижтимоий объектлар фаолиятини корхона маблағлари хисобидан янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда уларни жихозлар билан таъминлаш каби вазифаларни бажариб борадилар.

VIII. Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар

59. Иш берувчи тармокда меҳнат фаолиятини юритаётган аёлларнинг меҳнат хукуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг қўйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этади:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенцияларига.

60. Аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш ҳамда улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш мақсадида:

-болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатади;

-тиббий хulosага мувофиқ ҳомиладор аёлларга оғирроқ ишлар ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган иш ўринларини ажратиш имтиёзларини беради.

60. Касаба уюшмалари билан биргаликда тизимдаги барча қуи ташкилотларда тузиладиган жамоа шартномаларига аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш бўйича алоҳида бўлимлар киритилишиги эришади.

IX. Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар

61. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли ҳамда “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш, ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилади.

62. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг хукуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вакти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

63. Тизим корхоналарида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида, кадрларни малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтларида ва курсларида ўқиётган ёшларга белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш, қисқартирилган иш ҳафтаси белгилаш ва бошқа имтиёз ва кафолатлар бўйича шартлар корхоналарнинг жамоа шартномаларида алоҳида

кўрсатилади.

64. “Томонлар” олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини, Қуролли кучлар сафида муддатли хизматни ўтаб қайтган ёшларни ишга жойлаштирилиши ва иш жойларидаги қўнимлигини алоҳида назоратга оладилар ва ҳар томонлама кўмаклашади.

65. “Томонлар” ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориб, жамоат ишида фаоллик кўрсатгандарни мунтазам равища касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тақдирлаб борадилар ва улар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказадилар.

66. Тизимдаги корхоналарда тузиладиган жамоа шартномаларида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақируви захирасида хизмат ўтасига ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш масалалари киритилишини йўлга қўяди.

67. Ўкувчи ва талабаларга ишлаб чиқариш амалиётида раҳбарлик қилиш учун юқори малакали ишчилар, раҳбарлар ва мутахассисларни жалб этиш ҳамда тармоқда устоз-шогирд тизимишини жорий этиш, янги ишга қабул қилинган ёшларни шогирдликка олган устоз ходимларни рагбатлантиришни ўз зиммасига олади.

X. Мехнат низоларини ҳал этиш

68. Иш берувчи ва унинг тизимидағи корхона ва ташкилотлар Мехнат кодексининг 259–281-моддаларига асосан меҳнат низолари бўйича комиссияларни ташкил этади ва фаолиятини йўлга қўяди.

69. «Томонлар» ижтимоий шериклик принципларини тан олган ҳолда, жамоа шартномаларининг бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини қўришни ўз зиммасига оладилар. Баҳслашувларни ўзаро ишонч ва хурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари асосида ҳал этадилар.

70. Иш берувчи меҳнат қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш бўйича Республика кенгashi билан ҳамкорлигини йўлга қўяди.

71. Тизимда меҳнат муносабатлари бўйича касаба уюшмалари аниқлаган қонунбузарликлар Иш берувчилар томонидан бартараф этилмаган ҳолатларда, «Томонлар» ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида ходимларнинг меҳнат хукуқларини судгача ҳимоя қилиш тизимишини жорий этади.

XI. Ижтимоий шериклик.

Касаба уюшмаси фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши

72. Иш берувчи:

а) ўз тасаррӯфидаги корхона ва ташкилотлардаги ходимларнинг ягона вакиллик органи сифатида ушбу корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган касаба уюшмалари қўмиталарини тан олади;

б) янги ишга қабул қилинган ходимларни касаба уюшмаси қўмитаси раиси (ташкилотчиси) билан танишув сухбатидан ўтишини йўлга қўйилишини таъминлайди;

в) касаба уюшмаси аъзоларининг ёзма аризалари асосида касаба уюшмасига аъзолик бадаллари корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиб

борилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди;

г) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 35/4, 82, 2011-41-сон қарори билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобваракларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат раками 2342, 2012 йил 15 март) биноан, корхона ҳисобварагида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади;

д) асосий ишидан озод этилмаган касаба уюшма сайланма органлари аъзоларига жамоат ишларини бажаришлари учун ўртача иш ҳақлари сақлаган ҳолда ҳафтада 2 соат бўш вақт ажратишини таъминлайди ва юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ қисқа муддатли (бир ҳафтагача) хизмат сафари харажатларини (бориш ва келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш ва х.к.) корхона ҳисобидан қоплаш мажбуриятини олади;

е) касаба уюшма қўмитаси аъзолигига сайланган (асосий иш лавозимидан бўшатилган) ходимларга сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг асосий иш лавозимларига қайтиш ҳуқуки берилади. Ходимни сайловгача эгаллаган лавозими банд бўлса, ходимни ва касаба уюшма қўмитасининг розилиги билан, сайловгача эгаллаган иш лавозимига (ойлик маоши ва меҳнат шароити) тенглаштирилган бошқа лавозимларни тавсия этади;

ё) Касаба уюшмаси қўмитаси Иш берувчи томонидан меҳнат ва касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли. Иш берувчи қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиши ва кўриб чиқиши натижалари ҳақида касаба уюшмасига ўн беш кунлик муддат ичидан хабар беради. (Ўзбекистон Республикаси “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддаси);

ж) корхоналарда фаолият юритаётган касаба уюшма қўмиталарини уставда белгиланган фаолиятини амалга оширишлари учун хона, транспорт, ташкилий техника, алоқа ва Интернетга уланиш воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш мажбуриятини олади;

з) касаба уюшмаси органлари таркибига сайланган Ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларига ўзларининг вакиллик фаолиятларини амалга оширишлари муносабати билан Иш берувчи томонидан бирон бир шаклдаги таъқиб қилинишдан ҳимоя этиш кафолатланади;

и) вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин икки йил давомида Иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини

олмай туриб бекор килишга йўл қўйилмайди;

й) Республика кенгаши раисининг Иш берувчининг бошқаруви органлари ҳайъатлари таркибига киритилишига ҳамда Касаба уюшмаси қўмитаси вакилларини Корхона бошқаруви органларининг ҳайъат таркибларига киритилишига кўмаклашади;

к) касаба уюшмаларининг қонуний хукуқларига риоя этади, уларнинг қонун хужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймайди.

73. Ходимларни аттестациядан ўтказишда улар аттестация бошланишидан камидан 2 ой олдин хабардор қилинади. Касаба уюшмаси қўмитаси вакили аттестациядан ўтказиш комиссияси таркибига киритилади.

74. Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни мухокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг Хукумат, вазирликлар, идоралар вакиллари билан давра сұхбатларини ташкил этиб борадилар.

75. Мехнат жамоалари аъзолари қаторида асосий ишидан озод этилган касаба уюшмаси қўмитаси ходимларига ҳам жамоа шартномаларида белгиланган барча ижтимоий-иктисодий манфаатлардан фойдаланиш хукуқлари берилади.

76. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш хукукини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенциясига мувофиқ Иш берувчи тизимдаги қуий ташкилотларда касаба уюшмаси ташкилотларини тузишга кўмаклашиб, уларнинг фаолияти учун керакли шароитлар яратишда ҳамкорлик қиласди.

77. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг хукуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўхатга олинган «Мехнат мухофазаси бўйича вакил ҳақида Низом»нинг мазкур Келишув мақсадларида сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органлари аъзолари ҳамда меҳнатни мухофаза қилиш бўйича вакиллар меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этилади.

77. Тизимда “Ишонч” телефонлари тармогини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан ходимлар билан қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириб боради.

78. Республика кенгаши:

а) ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш, ижтимоий-иктисодий масалаларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш учун, меҳнат жамоаларини сафарбар қилишда ўз ваколатлари доирасида хўжалик органлари билан ҳамкорликда иш олиб боради ва уларга кўмаклашади;

б) ходимларнинг ижтимоий-иктисодий, меҳнат муносабатларига оид ҳукукий ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қиласди;

в) касаба уюшмалари кўмиталари бир вактнинг ўзида бошқа томоннинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳакли эмас, шу билан бирга улар мазкур келишув, ички меҳнат тартиб қоидалари ва бошқа қонун хужжатларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида, Иш берувчилар билан ҳамкорлик қиласди, уларга ходимларни соғломлаштириш ва меҳнат жамоаларида согломлаштириш ва маданий-маърифий

ишлар олиб бориши борасида амалий ёрдам кўрсатади;

г) ходимларнинг ижтимоий-иктисодий ва ҳуқукий манфаатларини ифода этиш мақсадида тузиладиган жамоа шартномалари юзасидан музокаралар олиб борилиши, тузилган жамоа шартномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, экспертизадан ўтказилиши ва имзоланишида қатнашади ва назоратга олади;

д) ягона ижтимоий тўловлар ҳисобидан соҳа ходимларига санаторийларга ва уларнинг фарзандларига болалар согломлаштириш оромгоҳларига йўлланмаларни белгиланган тартибда берилишини назорат қиласди;

е) Иш берувчи ва унинг жойлардаги куйи ташкилотларида ходимларнинг меҳнатига ҳақ ўз вақтида ва мазкур Келишувда кўзда тутилган талаблардан келиб чиқиб амалга оширилишини доимий назорат қилиб боради;

ё) ходимларнинг ойлик маошлари конун талабларига зид ҳолда ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, Иш берувчи Республика кенгashi билан биргаликда корхоналарнинг молиявий имкониятларини инобатга олган ҳолда қарздорликни бартараф этиш чора-тадбирлари ва муддатлари бўйича йўл хариталари ишлаб чиқиб, қисқа муддатларда иш ҳақи бўйича қарздорликни тугатиш борасида амалга оширилган ишлар бўйича маълумот алмашиб боради;

ж) «Томонлар»нинг тегишли вакиллари ходимларни корхона мулкига бўлган муносабатини яхшилашга ва бу мулкка ўз мулкига карагандек қарашга, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашъёни тежаб ишлатишга ва корхона моддий бойликларини асрашга ўргатувчи тушунтириш ишларини олиб боради;

з) спорт ҳамда соғломлаштириш ва саломатлик спортациядалар турлари бўйича тармоқ миқёсида мусобақалар, спартакиадалар ташкил қилиш ва ўтказишни, тармоқ терма жамоаларининг Республика мусобақаларида иштирок этишини ташкил қиласди;

и) Тизим корхоналарида Халқаро меҳнат ташкилотининг асос соловчи конвенцияларига риоя этишга доир чоралари тизимини ҳар йили таҳлил қилиб боради.

ХII. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун Томонларнинг жавобгарлиги

79. Мазкур Келишув 2019-2021 йиллар учун тузилган бўлиб, янги Тармоқ келишуви қабул қилингунга қадар амал қиласди. Белгиланган муддат тугагач, тарафлар янги Келишув тузгунча ёки амалдаги Келишувга қўшимча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунча амалда бўлади.

80. “Томонлар” мазкур Келишувни ижтимоий-иктисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришининг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур Келишувга амал қиласдилар, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

81. Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар икки Томон унинг мақсадлари рўёбга чиқиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этилишида ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

82. “Томонлар” мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида қўйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан «Томонлар»нинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро

маслаҳатлашувлар ўтказади;

б) Иш берувчи тизимидағи корхона ва ташкилотларда илмий асосланган меҳнат меъёrlарини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишларини давом эттиради;

в) Мазкур Келишувда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиб, тадбирларни бажармаслик фактлари аниқланганда “Томонлар”ни хабардор қиласи ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўради;

г) зарурат туғилганда ва фақат ўзаро келишилгандан кейингина ушбу келишувга “Томонлар” олдин қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритади;

д) Келишув бажарилишининг йиллик якуни тўғрисидаги ахборот ҳар икки томон вакилларидан иборат бўлган комиссия томонидан тайёрланади ва Иш берувчи ҳамда Республика кенгаши раёсати қўшма мажлисида муҳокама қилинади;

е) Келишувда кўзда тутилган мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаган масъул мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади;

ё) “Томонлар” таркибий тузилишида ўзгаришлар ёки қайта тузишлар юз берган ҳолларда тегишли органлар уларнинг ҳуқуқий ворисларини аниқлайдилар ва ворислар ушбу Келишувни бажаришга мажбурдирлар;

ж) мазкур Келишувга мувофиқ, жойларда жамоа шартномаларини тузиш ва амалдагиларга қўшимча ва ўзгартириш киритиши мақсадида Иш берувчи Келишув нусхасини бир хафта давомида ўзининг қути ташкилотларига юборади;

з) мазкур Келишувни амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, янги Келишув тузишни январь ойидан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса – март ойидан кечиктирмай тузиш мажбуриятларини олади;


и) Келишувнинг бажарилиши бўйича жавобгарлик “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти бошқарув раиси ўринбосари Ш.Умиров ҳамда Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси З.Кулматовлар зиммасига юклатилади.

й) Мазкур Келишувнинг тўлиқ ва аниқ бажарилиши учун “Томонлар” масъулдирлар, Келишувнинг бирон бир банди бажарилмаган тақдирда Томонлар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

201 ____ йил “ ____ ” ____ да Тошкент шаҳрида тузилган

Ушбу келишувни имзоловчилар:

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши раиси в.в.б.
Т.Ш.Бозоров



“Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик
жамияти бошқарув раиси
О.Б.Исаев

